

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАЛОМОВ АБДУСАМАДЖОН БАҲОДИРОВИЧ**

**СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАРКЕТИНГ  
АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**08.00.14 – Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economics Scinces**

**Абдусаломов Абдусамаджон Баходирович**

Суғурта компаниялари фаолиятида маркетинг ахборот тизимларидан самарали фойдаланишнинг услубий жиҳатлари..... 3

**Абдусаломов Абдусамаджон Баходирович**

Методические аспекты эффективного использования маркетинговых информационных систем в деятельности страховых компаний ..... 27

**Abdusalomov Abdusamadjon Bakhodirovich**

Methodological aspects of effective use of marketing information systems in the activity of insurance companies..... 50

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАЛОМОВ АБДУСАМАДЖОН БАҲОДИРОВИЧ**

**СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАРКЕТИНГ  
АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**08.00.14 – Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.4.PhD/Iqt1521 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.instat.uz](http://www.instat.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гуломов Саидахроп Саидахмедович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Қўчқоров Тохир Сафарович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Бобоев Каримжон Набижонови**  
иқтисодиёт фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация химояси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29/30.12.2019.1.92.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-б уй. Тел.: (998 71) 202-81-86; Факс: (998 71) 202-81-86; e-mail: [info@instat.uz](mailto:info@instat.uz)

Диссертация билан Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти кутубхонасида танишиш мумкин (----- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-б уй. Тел.: (998 71) 202-81-86; Факс: (998 71) 202-81-86; e-mail: [info@instat.uz](mailto:info@instat.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Хайдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

**К.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

**Б.К. Ғайибназаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ривожланган давлатлар томонидан пандемия ҳолатининг эълон қилиниши дунё иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатиб, у ўз ўрнида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасига ажратиладиган бюджет маблағлари миқдори ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу тенденциялар суғурта компанияларидан меҳнат унумдорлигини ошириш ва ўз фаолиятида қўлланилаётган янги технологиялар рентабеллигини таъминлаш борасида мавжуд технологияларни доимий равишда янгилаб боришни талаб этмоқда. Амалиётга кўра, суғурта компаниялари томонидан АКТга қилинаётган харажатлари йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Хусусан, АКТга суғурта компаниялари томонидан қилинаётган харажатлар 2013 йилда жаҳон бўйича 140,2 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб эса 202,1 млрд. долларга етди, яъни деярли 1,5 баробарга ортди. Янги технологияларга қилинаётган ушбу инвестициялар суғурта полислари сотувлари кўламини ошириш йўналишларини рақамлаштириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга йўналтирилмоқда. Қилинаётган ушбу харажатларнинг 82,6 млрд. долл. (40,8 %) Шимолий Америка, 72,2 млрд. долл. (35,7 %) Европа ва 35,2 млрд. долл. (17,4 %) эса Осиё давлатлари суғурта компаниялари фаолиятига тўғри келмоқда<sup>1</sup>.

Рақамли трансформация миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида фаолият юритаётган компанияларга кенг молиявий-иқтисодий имкониятлар яратиб бермоқда. Биринчидан, уларда маҳсулот ва хизматларни сотишнинг янги йўналишларини ишга тушириш ҳисобига кунлик тушумлар ҳажми ортиб бормоқда. Иккинчидан, илғор технологияларни кенг жорий қилиш асосида операцион харажатлар пасайиши ва бизнес-жараёнлар самарадорлиги ошиши ҳисобига ижобий самарадорликка эришилмоқда.

Суғурта компаниялари ҳаракатларини ўзгариб бораётган бозор талаблари даражасига мослаштиришга йўналтириб, борган сари замонавий бизнес-моделлар ва бошқарув тизимларига эътибор беришга мажбур бўлмоқда. Юқорида келтирилган глобал ва тармоқ иқтисодиётининг тавсифлари маълум технологик қарорларга таяниши АКТ ва ахборот тизимлари (АТ) орқали амалга ошмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда” деб таъкидлаб ўтди<sup>2</sup>. Ҳақиқатан ҳам илғор АКТ ва АТ нафақат иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига, балки ижтимоий ва бошқа соҳалар фаолиятига ҳам кенг кўламда кириб бориб, улардаги меҳнат мазмуни ва сифатини тубдан ўзгартирмоқда

<sup>1</sup> Манба: <https://www.statista.com/statistics/466928/it-spending-the-global-insurance-industry/>

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил, 25-январь, 2 бет.

ҳамда барча бизнес-жараёнларни ташкил қилиш ва бошқариш ҳам рақамлаштирилган ресурсларга таяниб қолмоқда.

Ҳозирги мавжуд шароитларда ўз вақтида маркетингга оид маълумотларни самарали йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этишга эришиш мушкул, чунки АТнинг таркиби, функционал имкониятлари ва техник параметрлари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланилаётган узатиш каналларининг ўтказиш имкониятлари, талаб қилинаётган вақт бирлиги ва мавжуд хотира ҳажми чегараланганлиги бунга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолият кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида маркетинг ахборот тизимларидан (МАТ) суғурта фаолиятида оптимал фойдаланиш ва уларни лойиҳалаштириш жараёнларини такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишнинг амалий ва назарий жиҳатларини ишлаб чиқиш ҳамда тегишли тавсия ва таклифларни бериш ушбу диссертация тадқиқотининг мақсади ва йўналишларини белгилаб берди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” ва II. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот тизимларидан миллий иқтисодийнинг турли тармоқ ва соҳаларида самарали фойдаланиш муаммоларига мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг кўпгина илмий ишлари бағишланган.

Ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш ва бизнес жараёнларини бошқаришни такомиллаштиришда АКТ ва ахборот тизимлари ҳамда маркетинг услубидан самарали фойдаланиш масалаларининг назарияси ва услубидани янада такомиллаштиришга А.Роша, К.С.Лаудон, Ж.П.Лаудон<sup>3</sup>, Ф.Котлер<sup>4</sup>, Ж.Эмметт<sup>5</sup>, С.Кеннет<sup>6</sup>, Р.Рейнер<sup>7</sup> сингари хорижий олимлар ўз илмий тадқиқотлари билан улкан ҳисса қўшганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан Н.М.Абдикеев<sup>8</sup>, В.В.Баронов, Т.П.Бароновская<sup>9</sup>, А.М.Вендров<sup>10</sup>, А.И.Долженко, В.В.Липаев<sup>11</sup>,

<sup>3</sup> Laudon K.C., Laudon J.P. Management Information Systems. Managing the digital firm / 12<sup>th</sup> edition. New York: Prentice Hall. 2016. 677 p.

<sup>4</sup> Котлер Ф. Маркетинг. Менеджмент. Учебник для ВУЗов/Ф.Котлер, К.Л. Келлерер. – СПб.: Питер, 2017.

<sup>5</sup> Emmett J. Fundamentals of risk and insurance. Printed in the United States of America. – 2008.- P. 745.

<sup>6</sup> Kenneth C. Jane P. Menedjment information systems. Managing the Digital Firm. Printed and bound by Courier Kendalville in United States of America. Pearson Education Limited 2016. – P. 675.

<sup>7</sup> Rainer R., Brad Prince Introduction to Information Systems, 8th Edition. Wileyplus. - 2019. P. 560.

<sup>8</sup> Абдикеев Н.М. Информационный менеджмент: Учебник/ Н.М.Абди-кеев, В.И.Бондаренко, А.Д.Киселев; Под науч. ред. Н.М.Абдикеев. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2014. - 400 с.

<sup>9</sup> Барановская Т.П., Лойко В.И. Информационные системы и техно-логии в экономике: Учебник. -2-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2005. - 416 с.

<sup>10</sup> Вендров А.М. Проектирование программного обеспечения экономических информационных систем / А.М. Вендров. – М.: Финансы и статистика, 2000. - 352 с.

А.Н.Романов, Б.Е.Одинцов<sup>12</sup>, Г.А.Титоренко<sup>13</sup> ахборот тизимлари ва технологияларини миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига самарали қўллаш, ахборот тизимлари менежменти, дастурий маҳсулотларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш, маслаҳат берувчи ахборот тизимлари ва интеллектуал ахборот тизимларини амалиётга жорий этиш, банк ахборот тизимлари, солиқ ахборот тизимлари, статистика ахборот тизимлари, дастурий воситалар сифатини бошқариш бўйича илмий ишларни олиб борганлар.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимларини лойиҳаштириш ва ишлаб чиқиш, ахборотлашган жамиятнинг шаклланиб бориши, АКТдан турли ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда кенг фойдаланиш, АТни бошқарув ва бизнес жараёнларига татбиқ этиш муаммолари, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб бориши тенденциялари ва электрон ҳужжат айланиш тизимларидан самарали фойдаланиш ва статистика соҳасини янада такомиллаштириш муаммолари мамлакатимиз олимларидан С.С.Ғуломов<sup>14</sup>, А.А.Абдуғаффаров, Р.Х.Алимов<sup>15</sup>, Б.Ю.Ходиев<sup>16</sup>, А.Т.Шермухамедов, Б.А.Бегалов<sup>17</sup>, Т.С.Кучкаров<sup>18</sup>, Р.А.Дадабаева, А.М.Абдувоҳидов, А.Б.Бобожонов, О.С.Умаров, Б.Р.Вафоев, Д.М.Охунов, Ш.Ғ.Одилов, Ш.У.Джанадилов<sup>19</sup>, И.Е.Жуковская, М.Қ.Абдуллаев, А.Т.Кенжабоев<sup>20</sup> ўз илмий ишларида кенг тадқиқ қилганлар.

Мазкур тадиққотда кўрилатган муаммолар бўйича йиғилган маълум бир илмий натижаларга эришилганлигига қарамай, ушбу йўналиш илмий адабиётлар ва тадқиқотларда етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва суғурта компаниялари бошқарув даражаларининг барча бўғинларида МАТдан самарали фойдаланиш, суғурта компаниясида техник ва дастурий-технологик таъминотдан оптимал фойдаланиш муаммолари ҳамда маркетинг ахборот ресурсларидан бозор иқтисодиёти шароитида самарали фойдаланиш масалалари кенг қамровда ўрганилмаган.

---

<sup>11</sup> Липаев В.В. Выбор и оценивание характеристик качества программных средств. Методы и стандарты. – М.: СИПТЕГ, 2001. - 228 с.

<sup>12</sup> Романов А.Н., Одинцов Б.Е. Советующие информационные системы в экономике: Учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 258 с.

<sup>13</sup> Титоренко Г.А. Информационные системы в экономике. – 2-е изд., перераб. и доп. / Г.А. Титоренко. – М.: ЮНИТИ -ДАНА, 2008. - 463 с.

<sup>14</sup> Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Informatika va axborot texnologiyalari Дарслик. – М.: “Фан” нашриёти, 2010 й., 685 б.

<sup>15</sup> Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю. Ахборот-коммуникациялар бозори: шаклланиш, тенденциялар, эконометрик моделлаштириш ва ривожланиш. Монография. – Тошкент: Фан, 2001.

<sup>16</sup> Ходиев Б.Ю., Мусалиев А.А., Бегалов Б.А. Менеджмент информационных систем. Монография. – Т.: Фан, 2007 г. - 342 с.

<sup>17</sup> Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Информационно-коммуникационные технологии формирования инновационной экономики и обеспечение ее конкурентоспособности. Монография. – Ташкент: Фан ва технология. 2013. – 139 с.

<sup>18</sup> Кучкаров Т. С. Рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон Республикаси ғазначилиги ахборот тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фан-лари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т.: 2019. -258 б.

<sup>19</sup> Джанадилов Ш.Ў. Суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т.: ТДИУ, 2018. - 149 б.

<sup>20</sup> Кенжабоев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2005 – 41 б.

Юқорида келтирилган жиҳатлар МАТни оптимал лойиҳалаштириш ва фаолият юритиши ҳамда улардан самарали фойдаланишга комплекс ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Бу ҳолат тадқиқот мақсади ва унда ҳал этилаётган масалалар таркибини аниқлаш имконини берди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган бўлиб, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг асосий масалаларини амалга оширишга монандир. Диссертация иши 2016 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўртасида тузилган ўзаро инновацион-корпоратив ҳамкорлик доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** республикамизда рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб бориши шароитида суғурта компаниялари бизнес жараёнларини оптимал ташкил қилиш борасида маркетинг ахборот тизимларидан самарали фойдаланишнинг технологиялари, механизмлари ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш шароитида суғурта компанияларининг тутган ўрни, уларнинг бозор иқтисодиётида фаолият юритиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

кескин бозор рақобати шароитида суғурта компаниялари томонидан замонавий суғурта хизматларини йўлга қўйиш ва янгиларини тақдим қилишда маркетинг инструментларидан кенг фойдаланиш жараёнларини ўрганиш;

рақамлаштириш технологияларининг турли тармоқ ва соҳаларга кенг кириб бориши шароитида суғурта фаолиятида маркетинг ахборот тизимларини самарали қўллашдаги мавжуд муаммо ва тўсиқларни аниқлаш;

суғурта фаолиятини самарали ташкил этишда ахборот ресурслари ва ахборот таъминотини оптимал шакллантириш жараёнларини тадқиқ қилиш;

иқтисодиётни рақамлаштириш шароитларидан келиб чиққан ҳолда суғурта компанияси фаолиятида маркетинг ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш;

бозордаги кескин рақобат шароитида суғурта масалаларини маркетинг ахборот тизимлари асосида оптимал ҳал этиш йўллари тақлиф қилиш;

суғурта фаолиятида маркетинг ахборот тизимларини қўллаш натижасида олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш усулларини тақлиф қилиш;

“Ишонч” суғурта компаниясида маркетинг ахборот тизимидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоб-китоб қилиш;

суғурталашнинг янги турларини тақдим этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш истиқболларини белгилаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** республикамизда фаолият юритаётган суғурта компаниялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** суғурта фаолиятини самарали ташкил қилиш ва янги суғурта хизматларини тақлиф қилишга йўналтирилган ҳамда тезкор ва



сифатли маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этишга мўлжалланган маркетинг ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалиётда оптимал фойдаланиш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув, SWOT-таҳлил, ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш усуллари, қиёсий ва таркибий таҳлил, танланма кузатув, мақсадли ва дастурий ёндашувлар, маълумотларни умумлаштириш ва қайта ишлаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суғурта фаолиятининг маркетинг ахборот таъминотини оптимал шакллантиришнинг интерактив усуллари ва суғурта бозоридаги мультимедиали маълумотларни шаффоф ва тезкор йиғиш ҳамда уларни қайта ишлашнинг тармоқлашган алгоритми ишлаб чиқилган;

маркетинг ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш ва унинг таркибий жиҳатларини оптимал шакллантириш асослаб берилган, суғурта миқдорларини ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлаш асосида уларга юқори даражадаги хизматларни кўрсатиш ва суғурта маълумотлар базасини рақамли технологиялар асосида ташкил қилиш ёндашувлари таклиф қилинган;

суғурта бозорига киберсуғурта маҳсулотини олиб кириш ва суғурта компаниясининг ишлаб чиқариш қувватларидан келиб чиққан ҳолда кўпгина миқдорларни аккумуляция қилиш ҳисобига соф фойда миқдорини максималлаштириш асосланган;

суғурта компанияси электрон хизматларининг тақсимланган бошқарув ахборот тизими, янги турдаги суғурта маҳсулотлари корпоратив веб-сайтини ташкил қилишнинг рақамли технологияси ва электрон бозорга янги суғурта хизматларини олиб чиқиш таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

суғурта фаолиятини ахборотлаштириш ва АКТдан кенг фойдаланиш шароитида маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизимининг таркибий жиҳатлари ва маркетинг ахборот тизимининг таркибий ҳамда ахборот оқимларининг айланиш схемалари ва суғурта маълумотларини йиғиш усуллари ташкил алгоритми ишлаб чиқилган;

рақамлаштириш технологияларининг суғурта фаолиятига кенг жорий қилиш ҳисобига суғурта маркетинг ахборот тизимининг намунавий ахборот-мантқиқий модели ва унда уч даражада суғурта маълумотлар базасини ташкил қилиш архитектураси таклиф қилинган;

катта ҳажмдаги суғурта маълумотларини қайта ишлаш жараёнларида суғурта бозорида суғурта полисларини сотишни бошқариш бўйича МАТнинг оптимал модели ва МАТни лойиҳалаштириш алгоритми ишлаб чиқилган;

ахборот-коммуникация технологиялари бозорида таклиф қилинаётган кўплаб ахборот тизимлари орасидан суғурта маркетингини самарали ташкил қилишни таъминлаш асосида МАТ функционал имкониятлари ва техник талабларининг солиштирма таҳлилин аналитика ошириш ёндашувлари келтирилган;

суғурта фаолиятига маркетинг ахборот тизимларини жорий қилиш натижасида олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида бажарилаётган ишнинг умумий меҳнатталаблиги, МАТни қўллаш натижасида маркетинг харажатлари миқдорининг умумий тежамкорлиги, бажарилаётган маркетинг ишларининг автоматлаштирилганлик коэффиценти, МАТни татбиқ этиш натижасида меҳнат унумдорлиги ортиши, маркетинг ахборотларини тайёрлаш, сақлаш, қидириш ва қайта ишлашнинг умумий меҳнатталаблиги сингари кўрсаткичлар ҳисоб-китоби йўлга қўйилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** мавзунини тадқиқ қилиш давомида маълумотлар расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланганлиги, шунингдек, тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган илмий натижалар, хулоса ва тавсиялар асосида маркетинг ахборот тизимларини такомиллаштиришда илғор технологиялар ва дастурлаш тилларига таянганлик билан асосланади. Ишлаб чиқилган алгоритм, технология, схема, хулоса ва таклифлар суғурта компаниялари фаолиятида ахборот тизимларини қўллаш жараёнларида кенг фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илмий натижалар, таклиф этилган усуллар, технологиялар ва диссертация тадқиқоти давомида ишлаб чиқилган тавсиялардан “Ишонч” суғурта компанияси фаолиятида замонавий АКТ ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш ёндашувларини такомиллаштиришда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот давомида ишлаб чиқилган инновацион ёндашув, механизм, алгоритм ва технологиялар суғурта соҳасини рақамлаштириш жараёнларида, ахборот тизим-ларини жорий этишда, интернетдаги суғурта компанияси веб-ресурсларини тақсимланган бошқарув тизимини юритиш, корпоратив суғурта порталини ташкил қилиш ва электрон бозорда суғурта хизматларини тарқатиш технологияларини жорий этишда кенг фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бажарилган тадқиқотлар асосида қуйидагилар амалиётга жорий қилинди:

- суғурта компанияларида ахборот таъминотини оптимал лойиҳалаштириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш орақали маркетинг ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш технологиялари амалиётга жорий этилди (Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 24 декабрдаги КТ/16-02-32-18/1223, ДСҚнинг 2020 йил 28 декабрдаги 01/5-17-10/2-47 ва “Ишонч” СКнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 233/П-сонли далолатномалари). Катта ҳажмдаги суғурта ахборотларининг доимий равишда ортиб бориши шароитида МАТни оптимал ташкил қилиш натижасида 75,4 млн. сўм миқдорида самарадорликка эришилди;

- суғурта ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланиш босқичларини қамраб олган усуллар, алгоритм ва технологиялар амалиётга жорий этилди (Молия вазирлиги

хузуридаги суғур-та бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 24 декабрдаги КТ/16-02-32-18/1223, ДСҚнинг 2020 йил 28 декабрдаги 01/5-17-10/2-47 ва “Ишонч” СКнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 233/П-сонли далолатномалари). Бу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида тежаб қолинган харажат-лар миқдори 51,9 млн. сўмни ташкил қилди;

- суғурта масалаларини МАТлари асосида оптимал ечиш орқали суғурта бозорида сотувларни бошқаришнинг модель ва услубий жиҳатлари “Ишонч” суғурта компаниясида жорий этилди (Молия вазирлиги хузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 24 декабрдаги КТ/16-02-32-18/1223 ва “Ишонч” СКнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 233/П-сонли далолатномалари). Бу ёндашувларни жорий этиш асосида суғурта маълумотини тезкор қайта ишлаш ва улар негизида асосли бошқарув бозор қарорларини қабул қилиш имкониятлари яратилди;

- МАТни суғурта фаолиятига кенг жорий этиш натижасида олиниши мумкин бўлган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш усул ва моделлари амалиётга жорий этилди (Молия вазирлиги хузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 24 декабрдаги КТ/16-02-32-18/1223, ДСҚнинг 2020 йил 28 декабрдаги 01/5-17-10/2-47 ва “Ишонч” СКнинг 2020 йил 11 ноябрдаги 233/П-сонли далолатномалари). Бу усул ва моделларни амалиётга жорий этиш натижасида иқтисодий самарадорликнинг турли кўрсаткичлари ҳисоб-китоблари амалга оширилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот 9 та, жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларида 6 та илмий мақола, шундан, 4 таси маҳаллий ва 2 таси нуфузли хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Миллий иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида суғурта компанияларининг тутган ўрни” деб номланиб, унда суғурта компаниялари бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг институти сифатида ёритиб берилган жумладан, суғурта компаниялари томонидан замонавий суғурта хизматларини йўлга қўйишда маркетинг инструментларидан фойдаланиш ҳамда маркетинг ахборот тизимларини суғурта фаолиятига жорий этишдаги мавжуд муаммолар сингари масалалар батафсил тадқиқ этилган.

Бугунги кунда суғурта фаолияти ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминловчи ҳамда бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ташкил этувчи муҳим соҳалардан бири ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон суғурта бозорини янада кенгайтириш ва ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар суғурта ва суғурта компанияларига ишончни мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини юксалтириш, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун капитализация даражасини оширишга қаратилган. Олиб борилаётган ислохотлар натижасида миллий суғурта бозоридида ижобий тенденцияларни кузатмоқдамиз. Республикамиз суғурта компаниялари томонидан кўрсатилган суғурталаш бўйича хизматлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари томонидан кўрсатилган суғурталаш бўйича хизматлар ҳажми (млрд. сўмда)<sup>21</sup>

Худудлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й. <sup>2)</sup>	2020 йилда 2016 йилга нисбатан % <sup>да</sup> <sup>2)</sup>
Ўзбекистон Республикаси	615,8	827,6	1 515,1	2 074,4	2333,5	236,1
Қорақолпоғистон Республикаси	13,0	19,1	43,1	47,0	53,5	233,3
Андижон	21,7	34,4	71,8	77,4	80,0	209,9
Бухоро	22,6	32,3	65,3	77,9	85,0	227,1
Жиззах	11,1	17,6	36,2	56,4	51,2	230,2
Қашқадарё	19,7	30,2	54,1	73,2	69,4	183,0
Навобий	11,8	18,0	49,4	63,8	72,5	323,6
Наманган	18,1	26,8	60,8	89,6	89,7	403,6
Самарқанд	19,5	34,2	67,4	79,6	86,1	225,0
Сурхондарё	16,2	18,0	45,3	61,4	56,6	196,3
Сирдарё	7,6	8,7	24,3	42,4	47,9	327,6
Тошкент	35,9	59,3	115,3	163,7	172,3	255,8
Фарғона	24,7	45,6	88,4	104,2	106,3	201,2
Хоразм	16,1	26,2	54,0	65,7	63,8	198,4
Тошкент шаҳри	377,8	457,1	739,5	1072,1	1299,2	242,8

Агар 2016 йилда суғурта бўйича хизматлар ҳажми 615,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 2333,5 млрд. сўмга тенг бўлди, яъни беш йил мобайнида ушбу кўрсаткичимиз деярли 2,5 баробарга юксалган.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари.

Суғурта компаниялари тижорат фаолиятини бошқариш ва суғурта хизматлари бозорини тадқиқ қилиш усули сифатида маркетинг яқинда пайдо бўлди. Ғарб мамлакатларининг суғурта компанияларида XX асрнинг 60-йиллари бошларида у кенг қўлланила бошлади. Хориждаги энг йирик суғурта компаниялари бозори фаолиятининг таҳлили турли суғурта компаниялари фаолиятида маркетингнинг бир қатор турлари кенг тарқалганлигини кўрсатмоқда. Улар қаторига суғурта компаниялари бозор шароитларига йўналтирилганлиги, айрим турдаги суғурта турларининг полис ва потенциал суғурта манфаатларига мос келишига максимал даражада мослашиши киради.

Суғурта компанияларининг асосий принципларидан ҳар бир ташриф буюрувчини потенциал миқдор деб иш юритишдир. Суғурта хизматлари миқдорларга суғурта манфаатларини қондиришнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, унинг даражаси суғурта хизматларига талабга таъсир қилади, яъни суғурталовчига хизмат кўрсатиш сифати қанчалик юқори бўлса, суғурта хизматлари учун талаб ҳам шунчалик юқори бўлади. Бироқ хизмат сифатини ошириш харажатларни кўпайтиришни талаб этади. Бундан келиб чиққан ҳолда, суғурта компаниялари томонидан суғурта маркетингини амалга оширишнинг таркибий жиҳатлари ишлаб чиқилди (1-расм).



**1-расм. Суғурта маркетингини амалга оширишнинг таркибий жиҳатлари<sup>22</sup>**

<sup>22</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Суғурта компаниясида маркетингнинг ўзига хослиги суғурта бозори тавсифлари ва хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Суғурта хизмати тақдим этилишидан олдин мавжуд бўлмайди. Бу суғурта компаниялари маҳсулотлари бир хил кўринадиган жойларда ҳам икки хил сотувчи таклифларини қиёслашга имкон бермайди. Ўзаро таққослаш фақат хизматни олгандан кейин амалга оширилиши мумкин. Бозорларда эса маҳсулотларни турли усуллар, яъни синов, сотиб олиш ва тестлар билан таққослаш мумкин. Суғурта бозорида амалга оширилиши мумкин бўлган ягона нарса кутилган ва олинган натижаларни қиёслашдан иборат.

2. Суғурталаш хизматларини тақдим этиш махсус малакаларни талаб қилади. Хизматларни тақдим этишда юқори даражадаги ноаниқлик мижозни жуда ночор ҳолатга келтиради, шунинг учун ҳам мижоз одатда бир хил “сотувчи” билан ишлашга интилади.

Ҳозирги кунда ривожланган давлатлар компаниялари фаолияти рақамли иқтисодиёт технологияларига йўналтирмоқда. АКТнинг ривожини инвестицион фаолиятнинг устувор омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир суғурта компаниясининг ривожланиш стратегиясини АКТ асосида доимий равишда такомиллаштириб боришга эҳтиёж мавжуд. Шу билан бирга, суғурталовчининг офисига шахсан келиши талаб этилмайдиган суғурта хизматларини сотиб олиш имконини берувчи истиқболли суғурталовчилар ҳам мавжуд. Суғурта фаолияти йирик салоҳиятга эга бўлиб, унинг ривожини аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга олиб келади.

Суғурта компаниясининг МАТдаги бизнес жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини мақбуллаштириш бўйича қуйидагиларга жиддий эътибор бериш керак:

мижозларга шахсийлаштирилган таклифларни шакллантириш керак. Аслида, суғурта компанияси мижозларнинг содиқлиги ва марказлаштириш даражаси, шу жумладан мижозлар базасини таҳлил қилишни компания миқёсида кенгайтириш вазифасини белгилаб олиши керак;

суғурта компаниянинг мижозларни суғурта хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича мижозларнинг турларига қараб бўлинишнинг самарасизлиги, савдо каналларига бўлиниши янада мантиқий бўлади, аммо ҳар бир савдо канали учун бўлинмалар очиш мақсадга мувофиқ эмас;

суғурталовчининг барча бизнес-жараёнлари мижозларни аниқлаш учун зарур тартиб билан “қаттиқ боғланган” бўлиши шарт;

суғуртанинг барча турлари бўйича хизматларни мижоз мурожаат этиши мумкин бўлган “барча хизматлар бир жойда” усулидан фойдаланиб, барча қонунчилик янгиликлари ва мижозларга қулайликни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш лозим.

АКТ асосида самарали бошқарув тизимини яратиш ва жорий этиш компанияда муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишлар сифатини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг асосий омиллари ҳисобланади. Бунинг учун республикамизда барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳозирги кунда аксарият компанияларда локал ахборот тармоғига уланган биттадан ўнтагача

бўлган автоматлаштирилган иш ўринларидан кенг фойдаланилмоқда. Ахборот тизимлари жамият пайдо бўлган пайтдан бошлаб мавжуд бўлган, чунки ривожланишнинг турли босқичида жамият ўз бошқаруви учун тизимлаштирилган ва олдиндан тайёрланган ахборотларни талаб этган. Бу айниқса ишлаб чиқариш жараёнлари, моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнларга тегишлидир. Шунинг учун ҳам, муаллифнинг фикрича, МАТни шакллантиришнинг бир қисми сифатида суғурта компаниясининг бизнес-жараёнлари ўртасидаги муносабатлар 2-расмда келтирилган кўринишда бўлиши керак.



**2-расм. Суғурта компанияси маркетинг ахборот тизимлари доирасида бизнес-жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги<sup>23</sup>**

АКТдан фойдаланиш суғурта таваккалчиликлари доирасини кенгайтириш, суғурта маҳсулотлари савдосини кўпайтириш ва суғурталовчининг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради. Суғурта компаниясида МАТни яратишнинг асоси суғурталовчининг бизнес-жараёнлардаги муносабатлари ҳисобланади. Суғурта компанияси бизнес жараёнларини ташкил этиш модели мижозга йўналтирилганлик даражасини ошириш, ҳар бир савдо канали миқдорини суғурта компаниясининг савдо ҳажмига киритиш имконини бериб, бундай ёндашув ҳужжатлар билан ишлаш ва мижозларни аниқлаш учун

<sup>23</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


харажатлар даражасини пасайтиради, ўзгарувчан хавфли вазиятга тезда жавоб беришга имкон беради.

Диссертациянинг “**Суғурта фаолиятини самарали ташкил қилишда маркетинг ахборот тизимларидан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари**” деб номланган иккинчи бобида суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ахборот таъминотини оптимал шакллантиришнинг услубий жиҳатлари ва маркетинг ахборот тизимларидан “Ишонч” суғурта компанияси фаолиятида кенг фойдаланиш механизмлари таклиф этилган ҳамда суғурта масалаларини МАТлари асосида оптимал ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Маркетинг ахборот тизимлари, қайта суғурталаш операциялари, суғурта резервлари, бухгалтерлик ҳисоботи ва бошқалар бўйича ишлаб чиқилган кичик тизимларни такомиллаштириш имконини яратади. Кўрсатилаётган суғурта хизматлари, суғурта шартномалари ва полис бланklarини штрих-кодлашни қўллаган ҳолда ҳисобини юритиш ҳам комплекс МАТни жорий этиш талаб этилмоқда.

Суғурта компанияларида бирламчи маълумотларни тўплаш ва рўйхатдан ўтказиш босқичи сезиларлича меҳнатталаблиги билан ажралиб туради ҳамда бошқарув объектининг турли бўлинмаларидаги кўплаб мутахассислар иштирокини талаб этади. Амалиётга кўра, мавжуд суғурта ахборот таъминотида мужассамланган суғурта кўрсаткичларини таҳлил қилиш энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шунга кўра, МАТ суғурта маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизими бўлибгина қолмай, у маркетинг маълумотлари ва муаммоларини таҳлил қилишнинг замонавий усуллари мажмуасидан ҳам иборат.

Маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш кичик тизимининг асосини статистик ва моделлар банки ташкил қилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйида суғурта маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизимининг таркибий жиҳатлари келтирилган (3-расм).



**3-расм. Маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизимининг таркибий жиҳатлари<sup>24</sup>**

<sup>24</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Ахборотларни тўплаш ва рўйхатдан ўтказиш операциялари ҳам қўлда, ҳам техник воситалардан кенг фойдаланган ҳолда бажарилиши мумкин. Маълумотларларни қўлда тўплаш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича тегишли хизматлар мутахассислари техник воситаларни қўлламаган ҳолда алоҳида рўйхатдан ўтказди. Маркетинг шароитида суғурта компаниялари оптимал фаолият юритиши учун қабул қилинган бошқарув қарорлари, ундан кейинги ҳолат бўйича ахборотларни олиши шарт. Унда ахборот оқимларини оптимал ташкил қилиш ва сифатли маркетинг ахборотлари суғурта компанияси маркетинг-логларига қуйидагиларни эришиш имконини беради:

- рақобатдаги компанияларга нисбатан рақобат бозорида аниқ устунликларга эришиш имкони яратилади;
- молиявий рискларни пасайтиради ва хавфларнинг олдини олади;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини тезкор, объектив ва аниқ ахборотлар билан қўллаб-қувватлайди.

Суғурта компанияси МАТнинг ягона маълумотлар базасига ахборотларни киритиш воситалари орқали нафақат компания ходимлари, балки мижозларни ҳам унга кириш имкониятларини яратиш ва унда ҳар бир мижоз билан янги контакт бўйича маълумотлар марказлашган ҳолда янгиланиб бориши таъминланиши керак. МАТ маълумотларни мижозлар билан муносабатлар нуқталарининг турли кўринишидан олиши керак. Бир марта йиғилган ва тизимлаштирилган ахборотлардан кейинчалик МБдан олиб ҳамда таҳлил қилиб, суғурта компанияси фаолиятида кенг фойдаланиш лозим.

Тадқиқотларга кўра, суғурта фаолиятида МАТнинг ҳар қандай мақсадда ишлашнинг таъминловчи жараёнлар қуйидаги компонентларга бўлиниши мумкин:

- ташқи ёки ички манбалардан суғурта маълумотларини киритиш;
- кириш суғурта маълумотларини қайта ишлаш ва уни тўғри шаклда тақдим этиш;
- мижозлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш ёки бошқа тизимга ўтказиш учун ахборотлар олиш;
- автоматлаштирилган ахборот тизими – ходимлар ва ўз фаолияти учун автоматлаштирилган воситаларидан иборат тизим бўлиб, белгиланган функцияларни бажариш учун АКТдан фойдаланилади.


Муаллиф тадқиқотлари ахборот тизимларидан суғурта маркетинг фаолиятида кенг фойдаланиш қуйидаги муҳим тенденциялар кўзга ташланаётганини кўрсатмоқда:

а) суғурта маркетинги МБдан фойдаланган ҳолда бозорни таҳлил қилиш бўйича янги ёндашувлар шаклланиши. Рақобат даражаси жиддийлашиши шароитида ҳар бир суғурта компанияси мижози билан яккама-якка ишлашни талаб этмоқда. Бу масалани ҳал этиш борасида махсус МБни яратиш лозим, унда ҳар бир мижоз ҳақида ахборотлар мужассамланади;

б) маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишнинг янги усуллари билан кенг фойдаланиш ва амалиётга жорий этиш. Маркетинг ривожланиб боришининг замонавий босқичи сунъий интеллектуал ахборот тизимидан кенг фойдаланган ҳолда суғурта мижозлари билан янада самарали ишлашни талаб этмоқда;

в) маркетинг тадқиқотларида билимларни бошқариш концепциясидан кенг фойдаланиш талаб этилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида суғурта компанияси мижозларини ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлаш технолигиеси ишлаб чиқилиб, у “Ишонч” суғурта компанияси фаолиятига кенг жорий этилди (4-расм).




**4-расм. Суғурта компанияси мижозларини ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлаш технолигиеси<sup>25</sup>**

Иқтисодийetni рақамлаштириш шароитида суғурта маркетинг фаолиятида ахборотлар алмашинувини самарали ва оптимал йўлга қўйишда техника ва технологияларнинг ривожланиши асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолмоқда. АКТлари замонавий дунёни ўзгартирди, меҳнат бозорини кенгайтирди ва малакали меҳнатдан янада самарали фойдаланиш, товар ва хизматларнинг экспортини ошириш ҳамда суғурта компаниялари рақобатбардошлигини ошириш имконини берди. Бундан келиб чиққан ҳолда, “Ишонч” суғурта компаниясининг маркетинг бўлими назорати остида ахборотларни бошқа МБларга ўз вақтида ва самарали етказиш ҳамда қарорлар қабул қилишда улардан фойдаланиш бўйича “Ишонч” суғурта компаниясининг МАТни фаолият механизмлари келтирилган (5-расм).

МАТдан фойдаланишга нисбатан кўпгина илмий ёндашувлар таҳлили уларнинг қуйидаги асосий параметр ва функцияларини ажратиб кўрсатишга асос бўлди:

<sup>25</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- а) суғурта маркетинг ахборотларини кенг таҳлил қилиш учун статистик процедуралар ва компьютер дастурларини қўллаш;  
 б) суғурта маркетинг фаолиятида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини ахборот жиҳатидан таъминаш;



5-расм. “Ишонч” СКда МАТнинг фаолият механизми<sup>26</sup>

- в) қайта ишланмаган бирламчи маркетинг маълумотларини амалиётда фойдали бошқарув ахборотларига айлантириш;  
 г) маркетинг ахборотларини доимий равишда йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш имконияти яратилиши;  
 д) доимий маркетинг ахборотлари оқимлари билан таъминлаш ва уларни доимий равишда янгилан бориш.


Маркетинг ахборот тизими усуллар ва процедуралар мажмуаси бўлиб, қабул қилинатёган маркетинг қарорларини ахборот билан таъминловчи ва уларни мунтазам ва доимий равишда йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тақдим қилиш учун хизмат қилади.

Муаллиф тадқиқотлари натижасида суғурта компаниясида МАТнинг фаолият технологияси таклиф қилинди (6-расм). Мижозлар истеъмол даражасини қондиришнинг дастлабки ахборотлари суғурта полисларини тақдим этиш графиклари ҳисобланади. Бундан ташқари, кириш ахборотлари таркибига суғурта полисларига буюртмалар, суғурта полислари таркиби бўйича МБ ва мижозлар ҳақидаги тўлиқ МБ киради.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, суғурта компаниялари, аввало, молиявий институтлигача қолиб, суғурта маҳсулотларини сотиш ва уларга хизмат

<sup>26</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кўрсатишдан ташқари, мижозлардан олинган эркин молиявий воситаларни инвестицияларга кенг жалб этиш масалалари билан ҳам шуғулланади. Шунинг учун ҳам, фонд бозори, банк хизматлари ва иқтисодий ҳолатни прогнозлаш ва таҳлил этиш керак бўлиб, уларни амалга оширишни замонавий АКТ ва МАТсиз тасаввур этиб бўлмайди.



**6-расм. Суғурта компаниясида маркетинг ахборот тизимининг фаолият технологияси<sup>27</sup>**

Суғурта компаниясини ривожлантириш йўналишлари бўйича, яъни бозордаги улушини ошириш, янги суғурта маҳсулотларини жорий этиш, айланма воситалар ва фойда ҳажмини ошириш борасида катта ҳажмдаги маълумотлар массивларини таҳлил қилишга тўғри келиб, бу муаммоларни МАТни самарали жорий этиш орқали ҳал қилиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби “**“Ишонч» суғурта компанияси фаолиятида маркетинг ахборот тизимларидан фойдаланишнинг самарадорлик жиҳатлари**” деб номланиб, унда суғурта фаолиятида маркетинг ахборот тизимларини қўллашнинг иқтисодий самарадорлик жиҳатлари кенг ёритилган. “Ишонч” суғурта компаниясида маркетинг ахборот тизимларидан

<sup>27</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик жиҳатлари ҳисоблаб чиқилган ҳамда суғурта хизматларининг янги турларини тақдим этишда рақамлаштириш технологияларидан кенг фойдаланиш истиқболлари ёритиб берилган.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, МАТ ўз таркибига нафақат мижозлар билан муносабатларни бошқариш функцияларини акс этувчи кичик тизимларни қамраб олади, балки мижозларга йўналтирилган стратегияни ҳам долзарб ахборотлар билан қўллаб-қувватлаб туради. Бундай стратегия ўзида маркетинг тадбирларига муносабатлар, сотувлар, мижозлар ҳақидаги турли ахборотлар манбаларини бирлаштиради ҳамда замонавий АКТ асосида яратилган МАТда қуйидаги талабларни қўяди:

а) мижозлар билан бўладиган барча муносабатлар ҳақидаги маълумотлар бир зумда жойлаштириш ва зарур бўлганда уларга кириш имконини берувчи ягона МБ мавжудлиги;

б) мижозлар билан муносабатларнинг кўпгина каналларини бошқаришни синхрон кўринишда олиб бориш имконияти. Мижозлар билан муносабатлар қандай каналлар асосида йўлга қўйилишидан қатъий назар, суғурта полислари билан шуғулланувчи менежерлар улар ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлиши керак.

Иқтисодий самарадорлик таркибини МАТдан олинadиган бевосита фойда ва бошқариладиган тизимдан олинadиган билвоситага ажратиш мумкин. Бевосита фойда маркетинг ахборотларини қайта ишлаш билан боғлиқ меҳнат ва нарх харажатлари пасайиши билан аниқланиб, суғурта компанияси фаолиятининг натижавий кўрсаткичлари таркибига киради. Масалан, маркетинг ахборотларини қайта ишлашнинг нарх харажатлари маркетингни бошқариш харажатлари таркибига киради.

